

Аҳмад Лутфи
Қозончи

ЎГАЙ ОҢА

Борг
жарнамалари
жүссеңдер
асар

Оналар үчүн үз фарзандини уриши – гүнөз,
ўгай фарзандини уриши – жохилликдир

АХМАД ЛУТФИ КОЗОНЧИ

ЎГАЙ ОНА



М

 Т о ш к е н т

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Турк)

Қ-93

Қозончи, Аҳмад Лутфи

Ўгай она: роман. Аҳмад Лутфи Қозончи / Таржимон-лар: Йўлдош Эшбек. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018.
– 176 6.

ISBN 978-9943-27-855-4

Хусн ва илму одобда бенуқсон бўлган ўн тўқиз ёшли
Фотима нега икки етим фарзанднинг отасига турмушга чикди? Онаси-ю холаларининг тушунтиришларидан қўшини ўгай
онанинг «сабори» кучлироқ тъясир этдими?

Фарзанд олдидағи бурч ва масъулият, тарбия ва ахлоқ,
тўғрилик ва ҳалоллик, чин инсонийлик хусусидаги тийран
фикрларга бой ҳар иккала асар ўқувчи қалбидан жой олади,
деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Турк)

**Таржимон
Йўлдош ЭШБЕК,
Сўз боши муаллифи
Абдумурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди**

ISBN 978-9943-27-855-4

© Аҳмад Лутфи Қозончи, «Ўгай она», «Янги аср авлоди»,

2018
**SHIIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI**

INV № 2021/1-2108



ҮГАЙ ОНА



Она түкқан боласига жабр күрсатиши
табиий, аммо үгай боласига жабр
күрсатиши жохилликдир.

I

Күёшни баҳорнинг боши ва кузнинг адодида ҳар қачонгидан кўра қаттиқрок, кўпроқ суйишимизни таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Одамлар илк баҳор күёшини аскарликдан қайтган ўғлини ёки фурбатга узатилган, яъни узоққа келин бўлиб тушган қизини кутиб олган ота-она каби қаршилайдилар. Кузги қуёш эса бамисоли байрам таътилида келган меҳмон – лоақал яна бир қунга қолиши исталган суюкли фарзанд... У булутлар бағридан боқиши билан боғчаларга, супаларга, айвонларга, деразалар тубига кўрпачалар солинади, сұхбатлар қурилиб, тикиш-бичиш сингари қўл юмушларига киришилади.

Апрелнинг бошларида, икки қаватли уй деразаси олдида ўтириб ҳам ип юмалоқлаган, ҳам тўр парда узра тушаётган оқшомни кузатаётган икки аёл аслида қўпдан орзиқиб кутганлари – қуёш нурлари боис шу ерда ўтирадилар.

Ташқарида болалар тўп ўйнамоқда. Ўйинда енгилмаслик учунми, ёки ҳали исиб улгурмаган баҳор ҳавосида жунжикмаслик учунми ўртадаги тўп ортидан югуришмоқдалар. Девор тубида эса икки болакай уларни томоша қилиб туришибди. Бири совқотганидан қўлларини қўлтиқларига суқиб олган, қаровсизлиги кўринишиданоқ билиниб турган олти ёшлардаги заифгина ўрил бола. Иккинчиси гўзал либослар кийғизилган, тоза қиёфали, уч ёшларга кирар-кирмас қизалоқ. Танимаганлар каттасини кичигининг уйида хизмат қиласидиган аёлнинг ўғли деб ўйлашлари мумкин ва

шундай гумон қилишга ҳақлидирлар. Чунки, бундай тахмин қилиб, ҳукм чиқаришга исталганча аломатлар бор, аммо бошқача ўйлашга асос бўладиган далил мавжуд эмас.

Аслида бу икки бола – қариндошлар. Қариндошликлари икки ҳолатда акс этади: бири шу онда ёнма-ён туришлари, иккинчиси бир уйда ётиб-туришлари. Уларнинг шу иккисидан бошқа барча нарсалари фарқлидир. Еб-ичишлари, кийинишлари ва уларга қилинадиган муомала қариндош эмасликларига далолат бўла олади. Бирини «бир донам, ягонам, дилпорам, дилбандим» деб суйишига, иккинчисини «йўқол, башаранг қурсин» дея қувишса, бирига ҳар соат «жоним, кўнглинг не тусайди» деб мурожаат этилса-ю, бошқаси оч қолганини айтса, «оч қолмай ўл, заҳар е, закқум ют» деб жавоб эшишса, бирини бағрига босаркан, бошқасини кўкрагидан итарса, албатта, бу ҳодисалар, уларнинг қариндош эканига далил саналмайди.

Олти ёшлардаги ўғил бола бундан уч йил аввал – уч ёшларида етим қолиб, ўгай она қўлида шу ҳолга тушди: бир бола кўтара олиши мушкул бўлган қаҳру қийинчиликларни, ҳаёт аччиқликларини тотди, таёқ еди. Кўрган-кечирганлари ичida тамоман унугани – она меҳри, она шафқати... Унинг учун ана шу уч йил уч аср қадар узоқ кечди. Шу уч йил ичida ло-ақал бирор марта тасодифан бўлса ҳам «жон болам» деган сўзни, афсуски, эшифтади. Унинг кулоқлари бундай яхши сўзларга ташна, қалби эса зор бўлди. Бу боланинг вазифаси кичигига қараш, уни овунтириш, ўйнатиш, бешигини тебратиш ва Саниҳаоним кўрсатган ишларни бажаришдан иборат.

Ҳозир бу икки қариндош тўп ўйнаётганларни томоша қилишмокда. Тўғрироғи, каттаси томоша қилаётган кичигига кўз-кулоқ. Ўйинни рўпарадан кўриш кулай туюлди. Синглисини қарши тарафга оҳиста етаклай

бошлади. Кўзи болалар ўйнаётган тўпда, аксига олиб тўп синглисига келиб тегиши мумкин. У фақат шунинг учун дикқатини тўлга қаратган, ўйинни эса томоша қилмоқчи эмас. Ўзи ўйнамагач, томошадан не фойда?

Бу эҳтиёт синглисини яхши кўргани учунми? Йўқ. Чунки бири ҳар жиҳатдан севигига, иккинчиси нафратга дучор бўлган қариндошларнинг бир-бирини яхши кўриши дарёнинг тепага оқишидай гап. Унда бу ҳаракатнинг сабаби нимада? Бу бола ўзи яхши кўрмаган қариндошини нечун бу қадар жидду жаҳд билан кўриклайди? Жавоб оддий: калтак ейишдан кўркиш... Ҳа, шу кўркув бўлмаса, таёқ емаса эди... Бой болалари еган шоколаддан кўпроқ таёқлар... ўрнига меҳр-шафқат, муруват кўрса эди, балки қариндошини бундан кўпроқ авайларди. Жони ачиб, яхши кўриб, ўзи истаб қаарарди. Шафқат ва марҳамат юлдузлар қадар узоқ экан, у ўзига юклантган юмушларни кўнгилдан, меҳр билан адо этолмас эди.

Йўл ўртасига келганда қизалоқнинг оёғи қайрилиб, йикилиб тушди. Бола уни дарҳол турғазди-ю, фарёдни тўхтатолмади. У қизалоқни қучиб четга етаклади, кийимларини қоқа бошлади. Қизча йигидан тинмасди. Қарши томондан очилган эшикдан бир аёлнинг боши кўринди. Атрофга аланглади, болаларни кўрди. Йўлда эркак йўқлигини билгач, тезроқ юрди:

— Разил, яна болани йиғлатдинг, ҳозир сенга кўрсатиб қўяман!

Юқоридан очилган деразадан ёш қиз овоз берди:

— Саниҳа хола, Исмоилнинг айби йўқ. Бола ўзи йикилди. Ўз кўзим билан кўрдим.

Саниҳаҳоним унинг бу аралашувидан мамнун эмаслигини таъкидлаган оҳангда жавоб берди:

— Яхши қараса йикиласмиди, синглим? Кўр бўлгур, хеч қарамайди гўдакка.

Сўнг болаларга ўгирилди.

Юқоридаги киз:

— Аллоҳ ҳаққи, у айбдор эмас! — дея бақирди. Лекин Саниҳоним қулоқ солмади, каттасини бир-икки шапалоқлагач, кичигини күчогига олди:

— Кел, қўзичноим, ягонам! — сўнг Исмоилга ўгирилди: — Уялтирма, икки тарсаки нима деган гап? Нак оёғимнинг остига олиб тепкилардим-ку... — дея ўдағайлаб, боласини етаклаб уйи томонга йўл олди.

Исмоилнинг ноҳақ жазоланиши ўйнаётган болаларга текин томоша бўлди. Икки дақиқа давом этган бу шафқатсиз воқеа уларни тинчлантириди, ҳатто дам олдилар. Исмоил йиглар экан, улар яна ўйинларига берилиб кетдилар. Бу орада ён томондаги эшик очилиб, ҳалиги бақирган киз чиқди ва Исмоилни чакирди:

— Исмоил! Исмоил!

Исмоил қайрилиб қаради.

— Бу ёққа кел!

Борди. Киз уни ичкарига таклиф этаркан:

— Ол, мана буларни, е! Мана бунга эса кўнглинг истаган нарсани сотиб ол, — дея қўлидаги қандларни унга узатди. Бошқа қўлида эса эллик қуруш бор эди.

— Керакмас, Фотима опа.

— Олмасанг хафа бўламан, опа демайсан.

Исмоил ҳиқиллашини босолмади. «Булар нимага ҳам ярарди, ҳеч қандай фойдаси йўқ», дегандай олди. Чўнтағига солди.

— Кел, юзингни яхшилаб юв, Исмоил, — деб Фотима зинада турган сурэхи (графин)га узалди. Исмоил ҳиқиллаб:

— Опа, ўзим юваман, овора бўлманг.

— Мен қуйиб турсам, яхшироқ ювасан. Қулоқсиз бўлма!

Исмоил юзини ювди. Фотима сочиқ келтириб боланинг юзини артди ва ўпиди кўйди.

— Бир нарса керак бўлса, ёнимга кел, майлими, Исмоил.

Исмоил унинг кўзларига қаради. Ээилиб қаради. Кўзлари яна ёшланди.

— Менинг ҳам сиздай опам бўлсайди... — деб чўнта-гидан чиқарган кир рўмолчани кўзларига олиб борди.

— Мен сенинг опанг эмасманми, Исмоил? Доим ёнимга келиб тур.

— Қандай қеламан? Бу ерга кирганимни кўрса, ўлдиради мени.

Ташқарига йўналиб, ўз эшикларига бир қараб қўйди-да, девор тагига ияги билан қўлларига таянганча чўнқайиб ўтирди ва йиғлай бошлади.

Саниҳаҳоним Исмоил еган таёклар жаннатдан чиқкан дейди. Ора-сира шундай дейишдан Исмоилни уриб завқлангани каби завқ олади. Жаннатдан чиқкан нарса факат таёқми? Ёхуд таёқнинг жаҳаннамдан чиқкан тури йўқми? Модомики, жаннатдан чиқкан экан, нечун Салма билан бирга тотмайди бу таёқни?! Исмоил кичик боши билан буларни тушунгандай бўлар, йиғлар, факат тузукроқ, тўғрироқ жавоб тополмасди. Топганда, не фойда? Таёқ жаннатдан чиқсанми ёки дўзахданми, барибир Исмоилнинг жонига азоб бераверади-ку.

Исмоил шундай хаёллар билан банд бир пайтда юкорида икки аёл ўртасида шундай сухбат кечарди:

— Пастда нима қилиб юрувдинг, Фотима?

— Исмоилнинг кўнглини кўтардим, она.

— Бироннинг боласи бўлса, сенга нима, қизим?

Онасини биласан-ку, димоғидан курт ёғади. Нега аралашасан демайдими?..

— Десин, она, деб кўрсин?! Зулм эмасми гўдаккинага?! Онаси бўлмаса, шунча эзиш керакми? Аслида онасиэлигини билдиримаслигі зарур-ку... бунинг ўрнига бундай иш тутса, жон чидайдими?

— Бу инсонлик эмас, аммо на чора, нима ҳам қиласардинг?! Кимга дод дейсан, кимга тушунтирасан,

қизим?! Ҳамма ерда шундай. Қайси үгай она етим болаларни бағрига олибди?! Ўз боласидай кўрибди? Үгайлик қилмаган үгай она борми? Қани бундай фазилатлар, қизим?

— Менга қолса, бу болага зулм қилинмаса, дейман. Ўз дарди ўзига етиб ортади. Она меҳрига мухтоҷ, кўнгли вайрон болага қандай муомала қилишмокда, билмадим. Қандай инсон бундай муомала қиласди, қайси ахлоқ китобида бунга ўрин бор?! Қай виждан бунга чидайди, билмадим, она, билмадим...

Шу кечада Фотима ухлай олмади. Кўзларини юмиши билан Исмоилни кўрар, у йиглар, тўхтовсиз йигларди. Бу боланинг ёлғиз айби – онасининг ўлгани, етимлиги. Аслида, унга бу ёшда парвариш, она меҳрига мухтоҷ ғамли юрагига, маҳзун кўнглига малҳам зарур эди. Лекин қайда у малҳам?! Қани, у меҳрибон инсон?! Инсонийлик амрига қулок тутган борми? Мурувват, марҳамат йўлидан юргувчи қани? Қани, ўз диний бурчини ўйлаганлар?! Қаерда?! Ахлоқий вазифасини ўтайдиганлар қайда, қаёқда, қани?!

Агар Жаноби Пайғамбаримиз туғилмасдан етим қолганлари эсланса, ҳар етимга қилинган яхшилик Аллоҳ ҳузурида ул зотга қилинган яхшилик сингари қабул қилиниши ўйланса, шундай ҳодисалар содир бўлармиди?! Аслида катта одам ҳам қўтаролмайдиган юк бечора, ёшгина гўдак елкасига қўйилган эди. Онаси вафот этгандан бўён ҳаёти вайрон, кўнгли чилпарчин, дунёдан безган. Бездирувчи таёқлар, ҳақоратлар пайдар-пай ёғилиб, пешма-пеш келиб турар, факат яхши сўз, меҳр-мурувват, марҳамат қўли тасодифан бўлса-да, хали унинг дарвозасини, кўнгил эшигини очмаганди...

Ха, жажжигина Исмоил бу ҳолга бардош берар, истар-истамас бу овирилкларни кўтарарди. Кўтармасдан нима ҳам қиласди?! Арзимас хатоси учун ҳам

калтаклайдиган ўтай она уни парвариш қиласмиди?! Унга ёки отасига буларни айтиб, дардига дармон топармиди?! Исмоил учун бу ишлар ғоят мушкул эди. Отаси ёнида ҳам ўгай онасидан кўп бор ҳақорат эшигтан, калтак еган, аммо отаси унинг ёнини олмаган. Ақалли бирон марта ўгай онанинг қўлидан тутмаган. Йўқса, шундай бўлармиди? Лоақал оқшом уйга қайтган отасини хурсандлик билан қаршилаб, қучоғига отилмасмиди?! Қачон бунга журъат кила олган? Фотима бундай холатга шоҳид бўлмаган. Аммо оқшом уйга қайтган ота қаршисида боши эгик, ўйлай-ўйлай уйга кириб кетган маҳзун Исмоилни кўп кўрган. Балки бир оз кейин бу камчиликлар битар ва у отасининг қўлидан тутар... Балки ҳар ким ўз айби учун ўзи жазоланаар... Балки қариндоши килган хатоси учун Исмоил жазоланмайдиган кунлар келар...

Икки ҳафтача аввал унинг кўнглини кўтариб:

– Исмоил, унинг қўлмишларини отангта айтмайсанми? Мени кўп уради, демайсанми? – дейиши билан Исмоилнинг боши эгилди:

– Отам мени яхши кўрмайди-ку... Кечаси тиззалирига ўтиromoқчи бўлсам, онамга қаради, қаради-ю, мени суриб қўйди. У Салмани келтирди: «Кап-капта болангни суймасдан мана буни эркалат!» Отам ҳам уни эркалатди.

Исмоил буларни айтиб йиғлади, Фотимани ҳам йиғлатди.

Тўшагида шуларни ўйлаб ухлаёлмаган Фотима гоҳ ўнгта, гоҳ чапга ағдарилар, ўртанар эди.

* * *

Икки ой ўтди. Байрам келди. Одатга мувофиқ болалар эшикма-эшик юриб, кўл ўпардилар.

Исмоил ҳам байрам куни отасининг қўлинини ўпди. Отаси ҳам бағрига олди, қучоқлади, юзларидан

ўпди. Байрамда чўнтағига тушган беш-ўн куруш ва кийган янги либослари ўз йўлига, Исмоилни кувонтирган – ота кучоғида беш дақиқа ўтириш, ота чехрасини очик кўриб, ширин сўз эшитиш эди. Ҳатто ўгай онаси уни суйиб, кучоқлаб ўпди.

Байрам қандай гўзал, қандай тотли! Ҳар кун байрам бўлсайди, деб ўйлади. Аввал буни дўстлариға англатишни ўйлади. Отам мени сўиди, демокчи бўлди. Кейин бу фикридан воз кечди. Уйдан чиқиб тўғри Фотима опасининг эшигига юрди. Нима учун? Уни тушунган ёлғиз у бўлди, кўз ёшини у сидирди, ҳар недан ортиқ мухтож бўлгани –шафқатни, меҳрни ундан кўрди. Қай вақт калтакланса, Фотима опа ҳамдард бўлди. Кўнгли тасалли топди. Шунинг учун Исмоил энг аввал унинг уйига йўл олди.

Эшик Исмоил қўл узатмасдан аввал очилди, очик чехра Фотима опа уни таклиф этди. Келишини дे-разадан кўрди.

– Опа... – дея унга талпинди.

– Кирмайсанми? Қочадиганга ўхшаб турибсан. Шундайми? Дунёда сени ёлғиз ташлаб қўймайман.

Исмоилнинг ўзи ҳам киришни, беш дақиқа опасининг ёнида ўтиришни жудаям истарди. Аммо унинг вайрон кўнглидан, тушунармикан, истамай қолмасмикан деган ҳадиклар ўтди. У кечираётган ҳаёт – меҳрга мухтожлик хеч ким томонидан севилмаслик ҳиссини кўнглига сингдириб юборган бўлиб, Фотима опаси ёнида ўтириш унга юк, малол келиши мумкинлигини ўйламоқда эди. Юқори чиқди. Кўллар ўпилди, дуолар қилинди.

– Бугун отам мени сўиди, опа. Бағрига олиб эркалади.

– Бу – табиий, Исмоил, у – сенинг отанг. Албатта, шундай қиласди.

– Ҳар кун бундай эмас-ку...

— Энди шундай бўлади, иншоолоҳ.

Исмоил узатилган қандлардан бир дона олди.

— Яна ол, Исмоил.

— Етади, опа. Бўлади. Раҳмат.

— Йўқ, бўлмайди, мана буни мен учун ол. Мени яхши кўрсанг, ол.

Исмоил яна бир дона олди. У ниманидир айтмоқчи эди. Бошини сал эгди:

— Опа, сизга бир гап айтайми?

— Айт, Исмоил.

— Кечқурун отам мени мозорга олиб борди. Менга онамнинг қабрини кўрсатди. «Қара, ўғлим, бу ерда онанг ётибди. Ўки!» деди.

— Ўқидингми?!

— «Фотиха» ўқидим, опа, «Алҳам»ни. Аммо, роса йигладим.

У Фотимага бу гапларни айта туриб кўзларига келган ёш томчиларини тўхтатолмади. Кетмоқчи бўлиб, ўрнидан турди. Фотима дарҳол кўлларидан тутди.

— Қаёққа борасан, Исмоил? Менинг билан шунчагина ўтирасанми? Одам опасининг ёнидан ҳам шунча тез кетадими?

Исмоил Фотима опасининг кўнглини қўтариш учун яна қайтиб ўтирди. Сал фурсат ўтгач:

— Энди кетай, опа, — деб қўзғалди.

— Майли, бор. Аммо яна кел, кутаман.

Исмоил чиқди. Сўнг қаёққа кетганини ҳеч ким билмайди. У анча вакт маҳаллада кўринмади.

Агар гўрков ўша куни жойида бўлганида, олти-етти ёшлардаги бир боланинг эшиқдан кириб, шоша-пиша қабристон оралаб кетганини кўрган бўларди. Бу бола ўша тунда зиёрат қилгани келиб, онасининг қабрини билиб олган Исмоил эди. Ундан бошқа бола бунга кодир эмасди. У бу дунёда шу бир уюм тупроқдаги-дек тафтни ҳеч ердан, ҳатто отасидан ҳам тополма-

гани ва шунинг учунмикан отаси билан ўзи ўртасида бегоналик пайдо бўлганидан бу ерга келди. Югуриб келди. Ҳар ким кўнгилхушлик учун шошган байрам айёмида тўйиб-тўйиб йигламоқ, йиллар кўнглига чўктирган дардларининг бир қисмини енгиллатмоқ учун шошиб келганди Исмоил...

Байрам ўн беш кечакундуз бўлди. Үгай онанинг Исмоил тўғрисида берган маълумоти отани ўйлантириб кўйди. Унинг айтишича, Исмоил тез-тез қаёқларгадир кетар, ярим соат, бир соатгача ҳеч ким уни кўрмасмиш. Ўзидан сўралса:

— Ўйнадим, — деб қўя қолар, бошқа жавоб олинмасди.

Янги хотиннинг раъиига қараб бугунгача ўз ўғлига үгай ота қаторида бўлмоқдан бошқа нарса қўлидан келмаган отани ўй босди. Бола қаёққа кетиши мумкин?

Бошқа маҳаллаларга ўйнагани бориб, у ерда болалардан таёқ еб қайтгани эсига тушди. Эзилди. Исмоил ўзи учун мутлақо ҳузурсиз бу уйдан узоқлашиши табиий эмасми?! Иккинчи маротаба уйланганидан кейин ота сифатида ўғли учун ҳеч нарса қилмади. Ота буни илк бора бугун ҳис этди ва ўз қилмишларининг кечирилмас гуноҳ эканлигини англағандай бўлди. Уни ичидан қайнаб чиқаётган бир нидо эзарди: виждонли бир үгай ота Исмоилга сендан кўра яхшироқ муомала қилас, меҳрлироқ бўларди. Турди. Ташқарига чиқди. Кўз ёшларини сидирмокдан бошқа бир чора тополмаётганди.

Икки кун ўтди. Ҳаво анча илиб қолди. Дўконларнинг эшиклари очилди. Кўкракларни тўлдириб-тўлдириб баҳор ҳавосини оладиган завқли дамлар бошланди. Бир дўстиникида меҳмондорчиликда ўтириб, чойнинг охирги ютумини ҳўпларкан кўзлари бирдан катта-катта очилиб кетди. У кўчада югуриб кетаётган Исмоил-

ни кўриб қолди. Мезбон билан хайр-хушлашишга ҳам сабри чидамасдан Исмоилнинг ортидан тушди. Исмоил орқасига қарай демасди. Беш дақиқалардан сўнг қабристон эшигидан аввал олти ёшлардаги бола, ундан кейин бир киши кирдилар. Ўнинг қайдалиги энди маълум эди. Аввал мозорчига учради. Мозорчи бу бола бир икки ҳафтадирки, қабристонга серқатнов бўлиб қолганини, шоша-пиша, ҳатто югуриб келиши ва бир оздан сўнг қайтишини айтди.

Мозор бошларида ҳеч ким кўзга ташланмасди. Ота ажабланган кўйи Исмоилни ахтара бошлади. Ўғли ҳадеб кўзга ташланавермагач, фотиҳа ўқиб кетиш учун марҳума хотинининг қабри томон йўналди. Ўн одимча масофа қолган эдиямки, мозорнинг нариги тарафидаги ғалати бутага кўзи тушди. Бутага яқинлашиб, шохни кўтариш учун эгилиши билан ҳайратдан донг қотди. Кўзлари косасидан чиққудай бўлиб, бир ҳамлада бута шохини четга улоқтириди. Бута тагида Исмоилнинг заиф вужуди кўринди. Чукурлиги бир қаричча келадиган, ётганда Исмоилнинг бўйига мос бир жой қазилган. Исмоил шу чукурда юзи мозорга тегар даражада ётибди, юзига бўз парчаси ёпилган. Устидан бута олинишини сезар-сезмас Исмоил қўркиб, ётган жойидан ирғиб турди. Кархисида отасини кўрди. Сакраб тураркан биринчи қилған иши юзидағи бўз парчасини чўнтагига солмоқ бўлди. Ҳар иккиси кутилмаган бу учрашув хаяжони ичра қўркув ва ҳайрат аралаш бир-бирига тикилиб қолдилар.

Исмоил оёқ товушларини эшигтан, бироқ зиёратчи уни сезмасдан ўтиб кетишига ишониб, жим ётган эди. Кўрдики, қархисида отаси турибди. Шу онда тупроққа айланган онаси ва етимликнинг жамики озорларини чекишига сабаб бўлган отаси орасида эди у. Қочиш керакмикан? Нима қилса экан? Исмоил ҳозир бу саволларга жавоб берга оладиган ҳолатда эмасди.

- Бу ерда нима қиляпсан, ўғлим?
- Онамнинг кучогида ётибман.
- Шундай ҳам бўладими, болам? Онанг ўлганига неча йил бўлди?! Ахир у тупроқка айланиб кетган-ку.
- Майли. Мен унинг тупроғини ҳам яхши кўраман. Энди бу ер менинг уйим, - деди у қўли билан қазилган жойга ишора қилиб.

Ота бошқа чидаёлмади. Онасининг тупроғидан бошқа юкинадиган ери ва кимсаси қолмаганини англатган, англаган боласини бағрига босиб ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошлади. Бир муддат шундай йиғлагач:

- Юр, ўғлим, кетамиз, - деб қўлидан тутди ва у ердан жилдилар. Ўн-ён беш қадам ташлагач бир нима эсига тушиб сўради:

— Юзингга ёпиб олганинг нимайди, ўғлим?

Исмоил чўнтағидан бўз парчасини чиқарди:

- Онамнинг кўйлагидан узиб олдим. Бунда унинг хиди бор.

Пешин. Күёш ҳарорати кучайганда қабристондан нақадар гуноҳкор ва бемехрлигини англаган ота ҳамда унинг ота меҳридан маҳрум бўлгани учун она хокини юзга суртиб, она тупроғига бош уришдан бошқа чораси қолмаган толесиз ўғли чиқишишмоқда.

Тунда, Исмоил уйқуга кетгач, бу ҳодисаларни бир-бир англаган ота хотинига мурожаат қилди:

- Бир нарсага ақлим етмаяпти. Исмоил онаси ўлганда уни танийдиган ҳолда эмасди. Унинг кўйлагини қаёқдан билди?

Саниҳаҳоним жавоб берди:

- Кечаки уйни йиғиштираётганда эски кийимларни тахлаётуб унга онасининг кўйлагини кўрсатгандим. У либосни қўлига олди, кўзлари ёшланди. Мен ортиқча аҳамият бермасдан кўйлакни унинг кўлидан олиб қўйдим.

У тахмонни титкилаб ўша кўйлакни топди. Бу кўйлакнинг нақ кўксидан бир парча қирқиб олинган эди.

Ўша кундан эътиборан Исмоилнинг уйдаги ахволи озгина енгиллашди. Энди Исмоил баъзида бир тиззасига Салмани олган отасининг қучорида ўтириш завқини тотар, бу ҳолдан Саниҳаҳонимнинг қовоғи ҳам аввалгидай уюлмасди.

Энди Исмоил ҳам очик чехра билан юра бошлиди. Авваллари оқшомда уйга қайтган отасини боши ҳам ҳолда кутиб олган Исмоил энди отаси келиши билан югуриб борадиган ва унинг қўлидан ушлаб уйга ёнма-ён кирадиган бўлди. Унинг ҳаётида қўзга кўринарли ўзгаришлар бўлганини билган қўшниларнинг ҳам виждонлари энди хотиржам эди. Аввало Фотима... Ота-ўғил кўл ушлашиб уйларига киришаркан баъзан унинг ҳам кўзларидан қайноқ томчилар меҳр ва шафқат тўла кўксига энарди.

II

Фотима бу йил ўн тўккизга қадам қўйди. Бу ёшга пок, виждони олдида уялмайдиган бир ҳолда кирди. Куръон ўқимокни отасидан, намоз ўқимокни ота-онасидан, тарбия ва одобни улар билан биргаликда ўз виждонидан ўрганди. Ҳар жихатдан аёл деган номга муносиб бўлди.

Отасидан етарлича диний маълумот олди. Аллоҳ ҳар нарсани кўргувчи, эшиттувчи, билгувчи эканини, яхши-ёмон қилган ишлари хусусида унинг хузурида бир кун ҳисоб беражаги, бу ишларни чап ва ўнг елкасидаги икки котиб фаришта ёзib боражагини билиши билан кўзлари ёшланди. Шу кундан бошини ўради, кўпчилик орасида ўзини қандай одобли тутса, ёлғиз қолганда ҳам шунга каттиқ амал қилди.

Аёллар тўпланишгач, бемалол очик-сочик ўтираверадилар. Ҳатто Фотима яхши танийдиган адабли, тарбияли бир нечта хотинлар ҳам шундай иш тутишди. Дугоналари, уни ҳам бошини очиб, рўмолини ечиб ўтиришга қисташарди. У қабул қилмасди.

- Бу ерда ҳеч ким йўқ-ку, Фотима, ким кўриб ўтирибди?! Бунча талабчан бўлмасанг?!
- Аллоҳ кўради, - деб жавоб берарди Фотима.
- Хўп, сен ўраганинг билан сочингни Аллоҳ кўрмайдими? - дея эътиroz этди дугонаси.
- Табиийки, кўради.
- Унда нечун бу таассуб, мутаассиблик?! Нимадан бунча сакланасан, Фотима?!
- Истайманки, Аллоҳ мени уялишимга сабаб бўладиган ҳолатда кўрмасин. Ўзи амр этган, рози бўладиган киёфада кўрсин.

Ҳеч қандай эътиrozга ўрин қолмади. Фотима ёдланган қоидаларни шунчаки гапирмади, балки шу қадар самимиж жавоб бердики, очилган тиззалар ва бошлар дарҳол ёпилди, бу сўзлар виждонларга қадар етди, қалбларни титратиб юборди. Шу кундан сўнг Фотимага бундай таклиф билан мурожаат қилишга ҳеч ким ботинмади. Ҳатто уни зиёрат қилгани келишган дугоналари бошқа жойлардагидай ва аввалгидаи эмас, тартибли ва назокатли бир ҳолда ўтирадиган бўлдилар.

Болаликдан хотирасида қолган бир воқеа бор: бир кун бокқа боришиди. Олти ёшга кириб-кирмаган Фотима боғда у ёк бу ёкка югураётуб бир олма топиб олди ва «она, сенга олма келтирдим» деди севиниб, сўнг токлар орасига кириб кетди. Ён қўшнининг боғидан бир бош чиройли қора узум уларнинг боғига осилиб турарди. Энди узаман деб турганида отасининг овози дарҳол қўл тортишга мажбур этди:

- Фотима, узма қизим! Бу узум бизга ҳаром!

Унинг жажжи шуурида узум қора бўлганлиги учун ҳаром деган фикр қолди. Орадан йиллар ўтди, лекин Фотима бир дона ҳам қора узум емади. Узумнинг қоралиги учун эмас, бирорвоннинг моли бўлгани учун ҳаром эканини йиллар ўтиб билган SHIRIN NAMIGA
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

узум кўйилса, унинг қўллари беихтиёр оқига узала-верарди...

Бу йил ўн тўққизга кираётган Фотима кичикилигидан шундай ўсди. Қалбидаги Аллоҳдан қўркиш, одоб ва тарбия ҳисси, виждонидаги иффат туйғуси, инсоний нозикликлар... Ёхуд сұхбатлари, уялишлари, ҳаракатларию муомаласи... Уни ўзидан катта-кичик барча аёлларга ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Чунки Фотима ўзини, сўзлари ва ҳаракатларини назорат килишга қодир қиз бўлиб вояга етганди.

Фотима бўй етган қизлар каби атрофдан сўра-ла бошланди. Сўраганлар орасида бой-бадавлатлар, фақирлар, ўртаҳоллар бор. Булардан ҳар бири бир баҳона билан рад этиларди. Фотима турмушга чиқиши керак бўлган одам дини бутун бир мусулмон, пок, гў-зал ахлоқли, инсоний фазилатлар билан зийнатланган инсон бўлиши керак. Бой ёки фақир бўлиши унинг учун айтарли аҳамиятга эга эмас. Маҳалласида бой деб танилган ва замона зайли билан факирлашган кишилар бор. Бир замонлар кунлик овқатини зўрға топиб, эртанги куни учун қўлида ҳеч вақо бўлмаган, лекин серғайратлиги туфайли бошқаларга ёрдам берадиган даражада бойиб кетган одамларни ҳам билади. Шу туфайли Фотима мол-мулк каби бугун келиб, эрта кетадиган нарсаларга аҳамият бермасди.

Бир куни уни икки болали бева эркакка сўраб келишди. Хотини бир йил бурун вафот этган бу одамнинг болалари паришон бир ҳолда қолганди. Бувиси, яъни марҳум хотиннинг онаси бу паришонликни бир оз бўлса-да камайтириш учун анча уринди, лекин ўзи ҳам хасталаниб қолди. Шундан сўнг Одилбек болаларининг ахволини яхшилаш умидида иккинчи бор уйланишга истар-истамас рози бўлди.

Одилбек намозхон, хушфеъл, хушбичим, файэли бир инсон эди. У ҳақда эшитилган қисқа маълум-

мот – шу. Фотиманинг онаси бундай турмушга рози бўлмайдиганга ўхшарди. Икки етимга қарап осон бўптими?! Уни муаммолар камроқ, ҳар жиҳатдан тўкин оиласа узатмоқчи эди. Бу тўғрида кизи билан маслаҳатлашди:

– У одам яхшиликка яхши эмиш, аммо икки етими бор, қизим, нима қиласан?

– Уларга фарзандимдай қарайман, она бўлиб тарбиялайман.

– Она бўлиб қарап осонми, қизим? Саниҳа нима қилди? Исмоил еган таёқларни қўрмаяпсанми? Бола шунча зулм кўряпти, Саниҳа шунча гуноҳ орттиряпти.

– Хўш, Саниҳаҳоним оналик қилдими, буни истадими, бунга тиришдими? Келганининг учинчи куниёқ Исмоил уйдан йирглаб чиқмаганми? Қачон Исмоил Салмадай гўзал, тоза лиbosлар кийди? Қачон Салма билан тенг кўрилди? Салмага қарапдан ортиб, бирор марта дўстлари билан ўйнадими? Аминманки, у уйда Салма Саниҳаҳонимнинг боласи, Исмоил эса унинг хизматкоридай кўрилади. Хатто хизматкорга ҳам бундай муомала қилмайдилар-ку.

– Кизим, бир нарса менга маълумки, етимнинг қаҳри қаттиқ бўлади. Қанча уринма, ўзингни уларга она сифатида тан олдиролмайсан. Сенга бир нарса айтайми? Етим-есирсиз, қайнонасиз, боласиз оиласа келин бўлишинг керак. Нега ўзингни заҳматга урасан, эл қилмаганни қиласан?

– Хўш, унда бу болалар нима бўлади, она? Биронта ўзини билмайдиган келиб ҳар хил зулмлар ўтказса, бечора болаларнинг ҳоли не кечади, уларнинг айби нима, она?

– Сенга нима, Фотима? Бирорнинг боласи бўлса, ўйлаган нарсангни қара. Қанча чидайсан, бир ҳафта, бир ой сабр қилдинг, хўш, охири нима билан тугайди? Бир кун келиб бошқача ўйлаб қоласан.

Пушаймон бўласан. Ё ҳаётинг сўнгигача уларниң дардига ўралашиб ўзингга жабр қиласан, ё Саниҳага ўхшаб, оғизларига уриб, ташқарига қувиб, хайдайсан. Бундан бошқа йўл борми?

— Бор, она. Уларни ўз фарзандимдай ўстириб, савоб олиш бор. Ўз боласини парвариш қилиш хайвоннинг ҳам кўлидан келади. Инсон бир погона устун бўлиши керакмасми? Инсоннинг ҳайвондан устунлиги ғариб етимни ўз боласидай бағрига боса олишида эмасми? Зулмнинг ҳар қандай тури ҳам ёмон, аммо етимга қилинган зулм, золимни, яъни зулм қилгувчи инсонни ҳайвондан пастроққа тушириб қўйса керак.

Бу сұхбат Фотиманинг истаги амалга ошиши билан яқунланди. Қизини сўратган бу одамнинг ёмон одам эмаслигини билган отаси ихтиёрни Фотимага берди. Етимларни парваришлаш Фотиманинг қўлидан келади. Агар Фотима хоҳлаётган инсон ахлоқий бузук, ичкиликбоз, қиморбоз, дин душмани бўлса, қизини унга бермаслик отанинг бурчи. Акси бўлса, Фотимани ўз ихтиёрига қўйиш керак. Шу сабабдан совчиларга мувоғик ва муносиб жавоб берди.

Байрамдан бир ойлар кейин Исмоилнинг ахволини кўрганлар унинг секин-аста ўнгланиб бораётгани ҳақида хulosа чиқаришлари мумкин эди. Баъзан отаси уни бозорга олиб борар, баъзан Исмоил ўртоқлари билан ўйнарди. Уйда яна уни калтаклашяптими, йўқми билиб бўлмасди. Фақат илгаригидай таёқ ейишлар ниҳоясига етганга ўхшарди. Буни биринчилардан бўлиб Фотима англади. Аслида Фотиманинг икки етими бўлган кишига турмушга чиқишига сабаб ҳам Исмоил эди. Тўғрироғи, Исмоил чеккан изтиробларнинг унинг кўнглида қолдирган теран таъсири эди бу. Икки етимнинг кўнглини олиш — уларни золим кўлига тушишдан қутқариш эди унинг нияти. Йўқса, Фотимадай ҳам руҳий, ҳам жисмоний гўзаллик сохибаси, ишчан қизга уйланмоқчи бўлганлар кўп эди. Яна

кўплаб топиларди ҳам. У уйланган одамга турмушга чиқаркан, унинг марҳум хотини хотираларига боғланиб колиши мумкинлигини билгани ҳолда, бу гўдакларни кутқариш фикрида эди. Модомики, бўлғуси эр мурасали инсон экан, муаммо йўқ ҳисоб. Ҳар ҳолда ўлган билан тирик бир эмас-ку. Энди уйланган хотинини ҳам севади, хурматлади. Бунинг устига, Фотима эри бўладиган одамга, биринчи хотинига нисбатан хурматни унутишини таклиф этадиган, уни эсидан чиқармагани учун хафа бўладиган, тирғаладиган қиз эмас. Ўзи бир вактлар кичиклигидан боқиб катта қилган мушуги йўқолганда унинг хотирасини кўнглидан чиқариб ташлаёлмаган Фотима, икки боласини омонат қолдирган бир инсонни унутиб юборишни тасаввуринга сифдиrolмасди. Бу тўғридан-тўғри мурувватсизлик бўларди. Ўзининг у хонимни унугтирадиган нимаси бор? Балки у хотин кўп устун, савияли, фазилатли бўлгандир. Уни унутиш – у қолдирган гўдакларни ҳам ёдан чиқариш, демакдир. Ҳолбуки, Фотима бу хонадонга шу гўдакларни деб келмоқда эди, токи улар унутилмасин, изтиробда қолмасин.

* * *

Фотиманинг икки етими бор одамга тегишга рози бўлишидан қариндош-урур беҳад ҳайрон бўлиб қолди. Улар икки болани эплаш мушкуллигидан сўзлар, ўйламасдан иш тутилаётганлигини айтиб, куйинишарди. Ёш, келишган у одамнинг кусур ва камчиликлари деярли йўқ. Аксинча, у бир талай фазилатларга эга. Қариндошларнинг баъзилари дўстона ачинишиб, озорланишар, баъзилари эса ўринсиз қарор қабул килган Фотимани айблашар эди. Ҳали ҳам фикридан қайтиш учун кеч эмаслигини, аксинча, бу энг тўғри йўл эканини айтишарди. Онаси келганларнинг дашномларига жавобан:

— Қанча ҳаракат қилмай кор қилмади, тушунти-ролмадим. Не қиласай, кўлимдан нима ҳам келарди. Ана ўзини чақириб гаплашинглар, — демокдан бошқа чора тополмасди.

Улар Фотиманинг ўзи билан гаплашишди:

— Фотима, сени яхши кўрганимииздан куйинамиз. Бўлмаса, бизга нима? Кел, ўзингни қийнама. Хохласанг, поччанг аралашади. Кеч бўлмасдан олдини олайлик.

Фотиманинг юраги сикилди. Нега ҳар ким аралашаверади? Борадиган, яшайдиган ва буни кўнгил ризолиги билан истаган унинг ўзи-ку. Ҳар ҳолда ўз зарарини ўзи ҳам уларчалик ўйлар ва тушунарди.

— Хола, — деди, — мени яхши кўрганингиз учун гапиряпсиз, аммо менинг қарорим қатъий. Менинг мақсадим икки гўдакка қараш ҳамда уларни изтиробдан, мاشаққатдан кутқариш. Мен пушаймон қилмайман. Бунинг учун бехуда азият чекманг.

— Ишқилиб пушаймон бўлиб қолмасанг бўлгани, Фотима!

— Парвардигорим мени уялтиrmас. Ёмон иш қилмоқчи эмасман-ку!

Сўз шу ерда тўхтади.

* * *

Тўйни оддийгина ўтказиш таклифи келди. Фотиманинг отаси бу таклифни маъқуллаб қарши олди.

— Хотини яқинда вафот этган одам, дабдабанинг бугун ва умуман ҳожати йўқ, — дедилар.

Фотима ҳам бу таклифни ўринли деб билди. Ҳатто бундан Одилбекнинг тушунганди бир инсон экани кўринарди. Ҳурматли инсон бўлмасайди, марҳум хотинининг хотирасини хаёлига ҳам келтирмасди.

III

Ииллар бўйи инсон кўли тегмаган, парваришдан узок, бегона ўтлардан кўринмас ҳолга келган боғча билан исталган маҳалла ва ҳаттоки шаҳар аёллари ахволи ўртасида катта ўхшашик бор. Бу боғчада етишган нарсаларнинг кўпи истеъмолга яроқли маҳсулот бўлиб етишиши қийин. Боғбон тарбияси боғча учун бегона эди. Шу сабабдан ҳар ниҳол, ўзича – қандай йўл топса, шундай ўсиб ётарди.

Маҳалла аёллари ҳам шундай. Кичик ёшдан қулоқлари тарбия учун бурилмаган. Факат бетакаллуф бир турмушнинг бепарво тарзи қулоқларига куйилиб, қалбларига қадар ўрнашган. Шу сабабдан улар хисларига, орзуларига тўғри келган нарсаларни ўзлари билганича, ўзлари хоҳлаганича қойиллатиб бажаришарди. Факат акл ва мантиқ заруратига, ахлоқ ва фазилат амрига келганда лоқайд қолишлари кўзга ташланади. Ўтириб бирорни гийбат қилишда, чоғиширишда, чақимчиликда, баҳслashiшда, урушишда барча маҳоратларини ишга солиб, ўртага чиқарадиганлар кўп. Аммо ўзларини бундан сакладиган аёллар оздир.

Аёлларнинг ҳаммаси шундай, дейиш инсофдан бўлмаса керак. Улар орасида ҳам орзу-умидлари, мақсад ва туйфулари, фаолиятларини Аллоҳ ризоси учун киладиган, иродасини хислари қаршисига қудратли бир қўмондон каби чиқара оладиганлар бор. Гўё тасодифан ёввойи ўтлар исканжасида қолған ноёб боғ гули каби. Баъзан бу гул атрофини қичитки ўтлар қоплайди, чирмовиклар ўрайди, тиканлар қуршайди ва гулни ёнига яқинлашиб бўлмас ҳолатга келтиради. Лекин, барибир, унинг хушбўйи атрофга ёйилишидан, гўзал ранги йирокларга жозиба таратишидан кўз қувнайди, димоғ чоғ бўлади, жон хузур қиласди.

Фотиманинг турмушга чиқишини эшишиб, табриклигани келганлар орасидаги (.....) Хонимни ҳам Фо-

тималар маҳалласининг гули дейиш мумкин. Бу хоним Фотиманинг жасоратли қарорини қутлагани ва унга бу қарорда сабит қолмоқни ташвиқ қилгани келганди. Икки кунлик ҳузур-халоват учун фазилат ва ҳақиқат йўлини тарқ этмасдан, ёлғиз қолиб машаққатларга дуч келса ҳам сабр этишни маслаҳат ва насиҳат қилгани келган бу аёл хуш қаршиланишга арзигулик, яхши кутиб олинишга муносибdir.

Қалби Ҳаққа боғланған, ёмонликдан юз ўтирган инсонларда бошқаларга ўхшамаган, порлоқ бир виждон бор. (...) Хоним фазилатсизликни, файзсиз яшамоққа ташвиқни, ҳақсизликни, ҳуқуқсизликни кўрганда кўл силтаб, кўэ юмиб кетмайдиган, иложи борича чора топишга, тадбир қилишга киришадиган, ҳеч бўлмаганда ич-ичдан изтироб чекадиган виждон соҳибаси эди. Кўпчилик хато манзил томон ким ўзарга шошган бир даврда уларни ҳақ йўлга юришга ундашни амр этган бир виждон соҳибаси эди у.

Фотиманинг эшигига бир хоним турарди. Кўринишида сокинликдан бошқа нарсани ифода этмаган, са-мимиятдан бошқа нарса ўқилмаган чехрасидан қалбига бөксангиз вулқонлар оташли, уммонлар каби безовта бир оламнинг акс этганини кўришингиз мумкин.

Эшик очилди. Киркқа яқинлашган, ўртадан баланд, узунга яқин бўйли, бошини шарф билан яхшилаб ўраган бир аёл кўринди. Ҳеч қачон келмаган, бир узоқ қўшни ташриф буюрди. Фотима ҳар куни бир неча меҳмонлар келишига одатланганлиги ва уларнинг келиш сабабини билгани учун уйига илк бор меҳмон бўлиб келган узоқ қўшинининг ташрифидан ҳайрон бўлмади, уни бегоналардек қаршиламади.

Меҳмон хонимда ҳар кун келадиганларда учрамаган бир хусусият кўзга ташланиб турарди. Ҳаракатларида, туришидаёқ рўпарасидаги одамни ҳурмат билан муомала қилишга мажбур этадиган викор ва

Аҳмад Лугфи ҚОЗОНЧИ

Фотимахоним ҳузурида иккинчи сипи бор эди. Бирин дунёнига барни азасы қайгусини тотиб кўрган Нигмат оғизи бечора бола; иккинчиси эса Алоҳони марҳамати билан Фотимахонимга деб келиши натижасида айни ҳолатдан қутулган бахтиёр бола. Иккисининг онаси ўгай. Аммо бирин марҳаматсан шонгли ҳиссиз, берган азиятидан завқ оладиган виждонсиз аёл; иккинчиси эса ўз боли қарашда оналарга ўрнак бўладиган, мурен сабрли, ҳавас қилишга сазовор она...

ISBN 978-9943-27-881-



ЯНГИ АСР АВЛОДИ



www.book.uz

9 7 8 9 9 4 3 2 7 8 5 5